

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚУМИТАСИ

ЭКОЛОГИЯНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Республика илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

ФАРГОНА - 2017

***THERMOPSIS ALTERNIFLORA* REGEL & SCHMALH НИНГ ТОШКЕНТ ШАРОИТИДА УСИШИ ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Х.Махмудова - Тошкент давлат аграр университети магистранти

Доривор ***Thermopsis alterniflora*** - Афсонак Гарбий Тянь-Шаньнинг эндем усимлиги хисобланади. Шу сабабли бу усимликни купайтириш, биоэкологиясини ва агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб муаммо хисобланади. Афсонак Гарбий Тянь-Шаньнинг эндем усимлиги хисобланади. У Ўзбекистон тоғ тизмасининг жанубий ва shimoliy қисмларида усади, Угам, Коксу, Пскем тоғларининг жануби-гарбий томонларида, Чотқол тоғ тизмасининг гарбий қисмида, Охангарон дарёсининг чап қирғоқларида усади. Афсонак денгиз сатҳидан турли хил баландликдаги тоғ ёнбағирларида учрайди [1]. Хазанович Р.Л., Россиян М.И., Гомолицкий П.А. лар уз ишларида маҳаллий ва четдан келтирилган доривор, крахмал сакловчи ва эфир-мойли усимликларни интродукция шароитида усти ва ривожланиши, кимёвий таркибининг ўзгаришларини ургандилар ҳамда ***Thermopsis alterniflora*** ер устки қисмидан қуйидаги алкалоидлар олини: цитизин, пахикарпин, п-метилцитизин, термопсин, альтерамин, диметамин, анагирин, аргентин, аргентамин. Уруғларида цитизин, пахикарпин, термопсин алкалоидлари мавжудлигини айтиб ўтганлар [2]. 192Хужаев ^ Д . ва Холматов ХХ. лар эса коллекциядаги доривор усимликларни маданий ҳолда устириш ва уларга қулланиладиган агротехник тадбирлари устида илмий олиб бордилар [3]. Ҳозирги кунда ***Thermopsis alterniflora*** етиштиришнинг агротехник тадбирлари ва биоэкологияси урганилмаган. Тадқиқот мақсади: Fabaceae оиласига мансуб ***Thermopsis alterniflora*** усимлигининг етиштиришнинг агротехникасини ишлаб чиқиш. Тадқиқот услублари. Усимликнинг биоморфологик хусусиятлари Т.А. Работнов, И.Г. Серебряков тавсия этган услублар билан урганилади [4]. ***T. alterniflora*** интродукция шароитига мослашиш хусусиятларини аниқлаш учун усимлик уруғи ва кучатларидан фойдаланилди. Тадқиқот Тошкент давлат аграр университетининг тажриба майдонларида олиб борилди. Етиштиришнинг агротехник тадбирлари ва биоэкологияси. ***T. alterniflora*** мезофит усимлик бўлиб, тоғолди ҳудудларида хавонинг ёзги қуруқлигига бардош беради, шамолга чидамли, кишки совуқлардан талафот қурмайди. ***T. alterniflora*** тупрокнинг унумдорлиги ва таркибига бефарқ усимликдир, республика миздаги барчатурдаги тупроқларда яхши усади. Факат шўр тупроқли ва ботқоқ ерларни ёқтирмайди. Қўзғи шўр тоғлаш вақтида ҳар гектар майдонга 40 тоннадан гўнғ солинади. Майдон 25-30 см чуқурликда ҳайдалади. ***T. alterniflora*** уруғи эрта баҳорда (март) ёки кеч қўзда экилади. Қўзда экилганда униши яхши бўлади. Баҳорги экишда ялпи униши учун уруғ 2-3 соат 20-250С илик сувда ивитиб қуйилади ва юпка қилиб ёйилади, тез қуриши учун дам-бадам аралаштириб турилади. Сочилувчан ҳолга келгач, уруғ экилади. Уруғ қадаш чуқурлиги 1 см атрофида, қаторлар оралиги 60-70 см, гектарига 10-12 кг уруғ сарфланади. Майсарида 3-5 тадан чин барғ

хосил булгач, ягона килинади ва хар метрерда 5-7 тадан баравж нихоллар колдирилади. Нихолларнинг бу даражадасийраклантирилиши усимликнинг дуркун булишини таъминлайди. **T. alterniflora** экилган майдон биринчи йили май-июнь мавсумида 2 марта юмшатилиб, бегона утлардан тозаланади, 6-7 марта сугорилади (март-сентябрь-1). Иккинчи ва кейинги йилларда 3-4 марта сугорилади. **T. alterniflora** тупларининг шох-шаббалари бир-бирига тутшиб кетгунгача 2-3 марта (май, июнь) уток килинади. Биринчи вегетация йилида усимликнинг баландлиги 30-40 см. ни ташкил этади. Биринчи вегетация йилида усимликларда ялпи гуллаш кузатилмайди. Иккинчи ва кейинги йиллардан бошлаб, ер устки кисми гунчалаш ва гуллашнинг бошланишида йиги болинади. Ер устки кисмининг хосилдорлиги гектар хисобига 20-30 центнерни ташкил этади. Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати. Хом-ашёни йигиштириш апрель-май ойларида, гунчалаш даври ва гуллашнинг бошланишида амалга оширилади. Бунда усимликнинг ер устки кисми урок ёрдамида тупрокдан 3 -5 см баландликда, тикланиш куртакларига зарар етказмасдан урилади. Алохида таъкидлаш лозимки, афсонак захарли булганлиги учун эхтикорлик чораларини куллаш лозим: ишлаш давомида чекиш, ичиш мумкин эмас, овкатланишдан олдин албатта кулларни яхшилаб ювиш, нафас олиш органларини докали богламалар билан химоялаш лозим. Янги уриб олинган ут иложи борича тезрок асфальтланган майдонларга юпка килиб ёйиб чикилади. Усимлик хул вазнидан ярмидан купини йукотиши билан ва поясини синдирганда шира ажралмаса махсус иш куроллари ёрдамида 2-6 см килиб майдаланади ва яна куритиш учун майдонларга ёйиб чикилади. Йигиб олинган вақтда вакуритиш мобайнида махсулотни атмосферадаги ёгин туфайли намланишига йулкуймаслик керак, акс холда бу холат унинг сифатини кескин пасайиб кетишига олиб келади. Хавода куриган хом-ашёни матодан тикилган копчаларга 20-40 кг килиб жойлаштирилади. Уларни курук, хава яхши алмашинадиган жойларда, стеллажларда икки йилгача саклаш мумкин. Хом-ашё узига хос кучсиз хидли булади. Унинг таркибида 193 цитизиннинг микдори - 1% дан кам булмаслиги, намлик - 12% дан ошмаслиги, умумий кулнинг микдори 9% дан ошмаслиги, кунгир тусга кирган барглари ва булакланмаганил дизли поялари 3% дан куп булмаслиги, органик колдиклар 2% дан ошмаслиги, минерал моддалар 1% дан куп булмаслиги керак. Шундай килиб, Тошкент вилоятининг тогли худудларида табиий захирасикамайиб кетаётганлиги сабабли афсонак плантацияларини ташкил этиш учун денгиз сатхидан 1200-1500 метр баландликдаги тоголди текислик майдонларининг таъминланган лалми тупрокларига ва сугориш имконияти кам булган текис адирликларга экиш тавсия килинади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Мурдахаев Ю. М. Узбекистонда ватан топган доривор усимликлар. - Тошкент: Фан, 1990. - 76 б.
2. Хазанович Р.А., Руссиян М.И., Гомолицкий П.А. Опыт культуры некоторых лекарственных растений в Ташкенте / Труды Ботанического сада АН УзССР: -Ташкент, БС АН УзССР, 1951. - вып.2. - С.181-190.

3. Ходжаев К.Х., Холматов Х.Х. Культура лекарственных растений в Узбекистане. -Ташкент: Фан, 1965. - 86. с.
4. Работнов Т.А., Серебряков И.Г. // Морфология вегетативных органов высших растений. -М.: Колос, 1952. -321 с. __